

Аллоҳ менга берган ризқни нега қайтариб оляпсан?



09:08 / 10.11.2018 4448

Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Бир бўри сурувга ҳужум қилиб, бир қўйни олиб қочди. Чўпон бўрини қувиб, қўйни тортиб олди. Шунда бўри тилга кириб:

- Аллоҳдан қўрқмайсанми? Парвардигор менга юборган ризқни нега қайтариб оляпсан? - деди.

- Во ажаб? Бўри инсон каби гапирмоқда! - ҳайратини яшира олмади чўпон.

- Мени одамдай гапирганимга ажабланияпсанми? Бундан ҳам муҳимроқ нарса бор. Ясрибда Муҳаммад исмли бир зот одамларга янги диндан таълим бермоқда, - деди бўри.

Шундан сўнг чўпон сурувини ҳайдаб Мадинага келди. Қўйларни бир пана жойда қолдириб, Пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келди ва бўлиб ўтган воқеани айтиб берди.

Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларни намозга чақиришни буюргач, чўпонга:

- Кўрганларингни буларга ҳам сўзлаб бер, - дедилар.

Чўпон воқеани сўзлаб берди. Шунда Сарвари олам соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қилдилар:

“Биродарингиз тўғри гапиряпти. Муҳаммаднинг ҳаёти измида бўлган Аллоҳга қасамки, жониворлар инсонлар билан гаплашмагунича, кишининг оёқ кийимидаги боғич ип тилга кириб, сўзламагунича ва кишининг сони, у кўчада ё сафарда бўлганида оиласининг уйда нималар қилганини хабар бермагунича (яъни, шундай замонлар келмай туриб) қиёмат қоим бўлмайди”.

Абу Ҳурайра, Абу Нуъайм, Анас ва Байҳақий ривоят қилишган.

“Қалбимизнинг нури” китобидан